

Нақд пул муомаласи бўйича қисқача шарҳ

Жорий йилнинг 9 ойи давомида нақд пул муомаласи банкларга нақд пуллар тушуми манбаларида ва банклардан берилган нақд пул мақсадлари бўйича кескин таркибий ўзгаришларсиз, номинал миқдорининг ўсиши фониди шаклланди.


Мазкур ҳолат муомаладаги нақд пулларнинг йил бошига нисбатан **16 фоиз**га ошгани ҳолда, аҳолининг даромадлари кўпайиши ва харид қобилиятини ўсиши ҳисобига юзага келди.

2024 йил январь-сентябрь ойларида умумий пул тушумлари (нақд пул ва терминал тушумлари) **605 трлн.** сўмни ташкил этиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан **27 фоиз**га ошди.

Жумладан, умумий пул тушумларида терминал орқали тушумлар улуши 2023 йил 9 ойдаги **38 фоиздан** 2024 йилнинг мос даврида **41 фоиз**га ўсиши кузатилди. Савдо ва хизматлар соҳасидан терминал тушумлари салмоғи ўтган йилдаги **40 фоиздан** **44 фоиз**га етди.

1-расм: Умумий пул тушумлари таркиби ва динамикаси

трлн.сўмда



Марказий банк томонидан иқтисодий зарур миқдорда нақд пуллар билан таъминлаш ҳамда ортиқча нақд пулларни муомаладан қайтариб олиш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилиб борилмоқда.


2024 йил январь-сентябрь ойларида банклар орқали нақд пул айланмаси ҳажми **727 трлн. сўмни** (нақд пул тушумлари – 360 трлн.сўм, берилган нақд пуллар – 367 трлн.сўм) ташкил этгани ҳолда, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан **23 фоизга** ошди.

Жумладан, банкларга нақд пул тушумлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **66 трлн. сўмга** ёки **23 фоизга** ўсди.

Хусусан, банк хизматларидан нақд пул тушумлари **23 трлн.сўмга**, савдо тушумлари **19 трлн.сўмга** ва пуллик хизматлардан тушумлар **13 трлн.сўмга** ошди.

2-расм: Нақд пул тушумлари ҳажми ва таркиби динамикаси

трлн.сўмда




Жорий йилнинг 9 ойида банклар кассалари (шу жумладан, банкоматлар) орқали жами берилган нақд пуллар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **68 трлн. сўмга** ёки **23 фоизга** ошди.

Мазкур ҳолат асосан банк карталаридан нақд пул ечиш ҳажмининг **30 трлн. сўмга** ҳамда банклар томонидан аҳолидан нақд чет эл валютасини сотиб олиш ҳажмининг **21 трлн. сўмга** ўсиши ҳисобига юзага келди.

3-расм: Банклардан нақд пулдаги чиқимлар ҳажми ва уларнинг мақсадлари бўйича таркибий динамикаси

трлн.сўмда



2024 йил январь-сентябрь ойларида банк карталарига кирим қилинган маблағлар (740 трлн. сўм) 2023 йилнинг мос даврига нисбатан **1,3 баробар**га ошиб, ушбу даврда банк карталаридаги **167 трлн.** сўм маблағлар нақдлаштириб олинди.

4-расм: Банк карталарига келиб тушган маблағлар ва уларни нақдлаштириш ҳажмлари динамикаси

трлн.сўмда



Баҳор - ёз мавсумларида иқтисодий фаолликнинг ўсиши ҳисобига нақд пулга талабнинг ошиши натижасида Марказий банк томонидан муомалага қўшимча нақд пуллар чиқаришни тақазо этди.

Жумладан, Марказий банк томонидан жорий йилнинг 9 ойи мобайнида муомалага қўшимча **8 трлн.** сўм нақд пуллар чиқарилди ва 1 октябрь ҳолатига нақд пулларнинг умумий пул массасидаги улуши **20,7 фоиз**ни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **3,2 фоиз** бандга пасайди.

5-расм. Муомаладаги нақд пулларнинг пул массасидаги улуши динамикаси

